

«ЎзРТХБ» АЖ Ички назорати тўғрисидаги» Низомга киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар

Амалдаги таҳрир	Таклиф этилаётган таҳрир	Асос
<p>III бўлим, 9 банд, 6 абзац</p> <ul style="list-style-type: none"> мониторинг – ўз ичига бошқарув ва кузатув функцияларини олиб, унинг давомида вақт ўтиши билан тизим ишининг сифати баҳоланади. Ички назорат тизимини баҳолаш молиявий ҳисоботнинг ҳаққонийлигига таъсир қилувчи хатоликларнинг келиб чиқиш эҳтимолини аниқлаш, бундай хатоликларнинг мавжудлигини изоҳлаш, ва ички назорат тизимининг олдида қўйилган вазифаларнинг бажарилишини таъминлаш салоҳиятини аниқлаш учун олиб борилади. 	<p>III бўлим, 9 банд, 6 абзац</p> <ul style="list-style-type: none"> мониторинг – ўз ичига бошқарув ва кузатув функцияларини олиб, унинг давомида вақт ўтиши билан тизим ишининг сифати баҳоланади. Ички назорат тизимини баҳолаш молиявий ҳисоботнинг ҳаққонийлигига таъсир қилувчи хатоликларнинг келиб чиқиш эҳтимолини аниқлаш, бундай хатоликларнинг мавжудлигини изоҳлаш, ва ички назорат тизимининг олдида қўйилган вазифаларнинг бажарилишини таъминлаш салоҳиятини аниқлаш учун олиб борилади. АЖ ички назорат тизимининг самарадорлигини баҳолаш учун акциядорлар умумий йиғилишининг қарори билан Кузатув кенгашининг таклифига асосан мустақил профессионал ташкилот – консультант жалб этилиши мумкин. 	<p>Корпоратив бошқарув Кодексининг 16 банди 4 абзацининг тавсияси</p>
	<p>58¹ банд қўшилсин ва қуйидаги таҳрирда ифода этилсин</p> <p>58¹. Ички назорат органлари ҳисоботларининг таркиби: Тафтиш комиссияси:</p> <ul style="list-style-type: none"> жамиятнинг ҳисоботлари ва бошқа молиявий ҳужжатларида келтирилган маълумотларнинг ҳаққоний ва ишончлилигининг баҳоси; бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисоботлар тақдим қилинишида йўл қўйилган тартиббузарликлар, ҳамда молиявий-ҳўжалик фаолиятини амалга оширишда содир этилган қонунчилик бузилишлари тўғрисида маълумот; жамиятда йирик битимлар ва аффилиланган шахслар билан битимларнинг мавжудлиги, ҳамда бундай битимларни амалга оширишда қонунчилик талаблари ва жамиятнинг ички ҳужжатларига риоя этилиши тўғрисидаги хулосани Кузатув кенгашига ҳар чорада тақдим этиши. <p>Ички аудит хизмати:</p> <ul style="list-style-type: none"> бизнес-режа бажарилиши текширувининг натижалари; корпоратив бошқарув тамойилларига риоя этилишининг текшируви натижалари; корхонанинг бухгалтерия ҳисоботи ва молиявий ҳисоботлари ҳолатининг текшируви натижалари; солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг ҳисобланиши ва тўланиши текшируви натижалари; 	<p>Корпоратив бошқарув Кодексининг 16 банди 3 абзацининг тавсияси</p>

	<ul style="list-style-type: none">• <i>корхона томонидан молия-хўжалик операцияларини бажаришда қонунчиликка риоя этилишининг текшируви натижалари;</i>• <i>ички назорат ҳолати текширувининг натижалари (Корхоналарда ички аудит хизмати тўғрисидаги Низомни кўринг).</i> <p>Корпоратив маслаҳатчи:</p> <ul style="list-style-type: none">• <i>Жамиятда корпоратив қонунчиликка риоя этилишининг текшируви натижалари ва бошқалар.</i> <p>Ички назорат органларига ҳисобот тайёрлаш регламенти остида, ўз ҳисоботларини ички назорат органларига топшириш даври (ҳар ойда, ҳар чорақда, бир йилда икки мартаба, бир йилда бир мартаба) ва ушбу ҳисоботлар топшириладиган орган тушунилади.</p>	
--	---	--